Бугунгача Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидан тарих ва археологияга тегишли 140дан ошик ёдгорликлар топилган. Бу хакда, «Правда Востока» газетасига асосланиб, Daryo.Uz хабар бермокда.

Бунда Термиз давлат университети олимлари билан бир каторда, олти йилдан бери ушбу худудда изланиш олиб бораётган чехиялик мутахассисларнинг хам хиссаси катта, дейилади хабарда.

Ўрганиш объекти сифатида бронза, темир ва антик даврга тегишли худуд танланган. Олимларнинг айтишича, Google Earth дастури ёрдамида Шерободнинг кўпчилик ёдгорликлари жойлашган жойлар координатаси аникланди.

Ўзбек-чех илмий экспедицияси натижасида 93та археологик топилмалар кашф килинди. Улар кадимий шахарлар, кишлоклар, кўргонлар, харбий иншоотлар, кўприклар, масжидлар, мадрасалар, сардобалар ва бошкалардир.

Топилмалар кўчманчи чорвачилар хакидаги маълумотлар манбаси бўлиб хизмат килиш билан бирга, Бактрия ва Тохаристон археологиясида янги илмий йўналиш очади.

Айни пайтда топилган ёдгорликлар бўйича инглиз ва ўзбек тилларида паспортлар тайёрланмокда.

Манба: kun.uz